XALQ DEPUTATLARI MIROBOD TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 2 - aprel II-57-70-14-199-K/22 Mirobod tuman hokimligi

Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини бекор қилиш тўғрисида.

Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг қабул қилган қарорларини доимий мониторинг қилиб бориш натижаларига кўра, 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Миробод тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224/27-II-сонли ҳамда 2021 йил 20 январдаги “Миробод туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 252/29-II-сонли қарорларига умуммажбурий ҳуқуқий нормалар 2020-2021 йиллар учун мўлжалланганлиги боис, Кенгаш ҳузуридаги Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия таклифини инобатга олиб, Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Миробод тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224/27-II-сонли ҳамда 2021 йил 20 январдаги “Миробод туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 252/29-II-сонли қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги котибият мудири А.Каримовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг 2022 йил 5 январдаги “Миробод туманининг 2022 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-51-1-14-199-К/22-сонли қарорининг қабул қилиниши билан 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Миробод тумани маҳаллий бюджетини

тасдиқлаш тўғрисида”ги 224/27-II-сонли қарори ўз аҳамиятини йўқотганлиги муносабати билан бекор қилинсин.

3. Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги “Миробод туманида 2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги II-49-32-14-199-К/21-сонли қарорининг қабул қилиниши билан 2021 йил 20 январдаги “Миробод туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 252/29-II-сонли қарори ўз аҳамиятини йўқотганлиги муносабати билан бекор қилинсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (А.Маманазаров), Кенгаш котибияти (А.Каримов) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ш.А. Пулатов**